Российский университет дружбы народов
Инновационные подходы в современной науке

# ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ МАНБАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА МУВОФИҚ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Холмуродова Дилором Норбой кизи**
*Алфрагануст нодавлати таълим университети Иксодиёт йуналиши 3 босқич талабаси*

**Аннотация.** *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорида белгиланган қоидалар сабабли, тобора кўпроқ компаниялар консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишга мажбур бўлмоқда. Консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантириш тўғрисидаги талабдастлабаки ациядорлик жамиятлари, сугурта ташкилотлари, қимматли қоғозлар бўйич ташкилотлар биқатор бошқа ташкилотларга нисбатан жорий қилинган. 2020 йилда қонун билан ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан, компаниялар консолидациялашган ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тузиши, тақдим этиши ва чопэтиши мажбурий бўлди.*

**Калит сўзлар:** *қайтатикланувчи энергия манбалари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, инвестициялар ҳисоби, МҲХС (IFRS) 3 «Бизнеслар бирлашуви», МҲХС (IFRS) 10 «Консолидациялашган молиявий ҳисобот», МҲХС (IFRS) 11 «Биргаликдаги тадбиркорлик», МҲХС (IAS) 27 «Алоҳида молиявий ҳисобот», МҲХС (IAS) 28 «Таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарга инвестициялар», МҲХС (IAS) 36 «Активларнинг қадрсизланиши», тайёрлаш, тақдимқилиш, мувофиқлаштириш.*

Энергетика тармоғига инвестиция киритишнинг алоҳида хусусияти шундан иборатки, инвестицияларнинг кўпқисми узоқ муддатли фойдаланишга сарфланади. Булар – атом электр станциялари (АЭС), иссиқлик электр станциялари (ИЭС), қуёшфото электр станциялари (ҚФЭС), гелиостанциялар, қайта тикланувчи энергетика манбалари (ҚТЭМ) ҳамда эски магистраль, тақсимловчи тармоқлар реконструкцияси вабошқалардир. Шунинг учун, бизнингча, энергетика мажмуаларида инвестициялар ҳисоби корхона ёки тармоқнинг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга, чунки бошқарув тизимининг ахборот таъминоти кўпжиҳатдан оқилона ташкиллаштирилганлигига, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар (МҲХС)га йўналтирилганлигига боғлиқ. Миллий ҳисоб ва ҳисоботни МҲХСга мослаштиришдаги муҳим қадамлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорининг қабул қилиниши бўлди, бу манфаатдор

фойдаланувчиларни хўжаликюритувчи субъектлар гуруҳи тўғрисидаги сифатли, ишончли ва таққослама ахборотдан кафолатланган шаклларда . Ушбу фойдаланишини таъминлаш вазифасини ҳалқилди вазифани нгҳалқилинишижараёнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МҲХСнинг танолиниши содирбўлди, МҲХС бўйича консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш мажбурияти, шунингдек, бундай ҳисоботни нашрэтиш мажбурияти ўрнатилди [1].

Бухгалтерия ҳисобити зимида иш юрутувчиларидан бири Жамшид Муслимов «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига қандай ўтилади?» номли мақоласида «МҲХСга ўтиш муаммолари: Бугунгикунда Ўзбекистонхалқаро инвестиция бозорларига чиқиш, шунингдек жаҳондан сармоялар жалб қилишни тезлатиш ва жадаллаштириш йўлига ўтган. Шу сабабданҳам МҲХСга ўтишучунбир–иккийиллик чора –тадбирлар мутасаддиларга юклатилди. Ўйлаймизки, мазкур жараён қисқамуддат ичида осон кечмайди, лекин бундан буён қарорни ортиқча пайсарга солибҳам

https://lex.uz/docs/4746049.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори.

бўлмайди» дебтаъкидлаган. Бу фикрни ёки муаммонинг долзарблигини назарда тутганхолда, муаммонинг ечимларидан бири сифатида консолидацион молиявий ҳисоботни такомиллаштириш тушунчасини киритишни ва амалиётни назария билан мувофиқлаштиришни хавола қиламиз[2].

Консолидационт молиявий ҳисобот таркибидаги шўъба, таъсир остидаги ташкилотлар, қўшма ва бошқа инвестиция компанияларидан таркиб топганг стандартларга таянишлозим, булар айнан МҲХС (IFRS) 3 «Бизнеслар бирлашуви» ва МҲХС (IFRS) 10 «Консолидациялашган молиявий ҳисобот», МҲХС (IFRS) 11 «Биргаликдаги тадбиркорлик», МҲХС (IAS) 27 «Алоҳида молиявий ҳисобот», МҲХС (IAS) 28 «Таъсиростидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарга инвестициялар», МҲХС (IAS) 36 «Активларнинг қадрсизланиши» кабистандартлар дир. Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликда консолидациялашган молиявий ҳисоботда инвестициялар ҳисобини тузиш учун тартибга солувчи меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби (БҲМС)нинг алоҳида қоидалари йўқ, лекин, ҳозирги вақтда, 2014 йил 6 майда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси тасдиқланиш босқичида турибди [3]. «Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш» зарурати тўғрисида бирқанча хорижий муаллифларнинг фикрларини келтирамиз

А.Барабан овнинг ёзишича, МҲХС ва миллий ҳисобти зимиўртасидаги асосий фарқлар – буконсолидациялашган ва жамланма ҳисоботни тайёрлашдаги фарқлардир[4].

Айни пайтда, МҲХСда «консолидациялашган» атамаси ишлатилади,

Российский университет дружбы народов

https://kun.uz/27917857.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига қандай ўтилади? Kun.uz. https://lex.uz/acts/2382411.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Барабанов, А. Международные стандарты финансовой отчетности [Электронный ресурс]: обзор / А. Барабанов // Корпоративный менеджмент. - 2003. - Режим доступа:

http://www.cfin.ru/ias/overview- .shtml/overview- 1 .shtml.

Миллий қонунчиликда ҳам «консолидациялашган» атамаси бор, лекин консолидациялашган молиявий ҳисоботнит узиш услубиёти ҳалиишлаб чиқилиш жараёнида турибди. Шуни хисобга олганхолда, консолидациялашган молиявий ҳисоботни такомиллаштириш мақсадида турганмахаллий олимларимиздан Ташназаров С.Н. нинг МҲХС муаммоларини ечимига қаратилган илмий изланишларида «консолидациялашган молиявий ҳисобот» га алоҳида эътиборларини қаратган ликларини эътироф этишмумкин[5]. Бундаги ҳисоб юритиш учун тайёрланган механизм афсуски, акциядорлик жамиятлари учун етарли эмас.

Е.Б.Богачев, Б.А.Чублартаъкидлашича, «интеграциялашган тузилмалар ягона молиявий-иқтисодий ҳисоботни шакллантирадилар, бу жаҳонамалиётида «консолидациялашган молиявий ҳисобот» дебаталади[6].

С.И. Пучкова ва В.П.Новод ворскийлар ҳамда уларнинг фикрларига қўшилган А.А.Матвеевава В.П.Суйцларнинг таъкидлашича, «йиғма ҳисобот битта мулкдор доирасида ёки маълумотларни статистик умумлаштириш учун тузилади, консолидациялашган ҳисоботэса – бирнечта мулкдорлар томонидан биргаликда назорат қилинадиган мулк бўйича тузилади»[7],[8].

Юқорида келтирилган фикрга қўшилган ҳолда, ушбу таърифга бирмунча ойдинлик киритиш талаб этилишини таъкидлаш мумкин, чунки у акциядорлик жамиятларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларига тааллуқлидир. Агар ташкилот бошқа ташкилот (шўъбакорхонаси)нинг соф активлари ва амалиётга доир фаолияти устидан назоратни амалга оширса, у ҳолда консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилиши шарт. Ушбу масала бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар фикрларининг таҳлили консолидациялашган молиявий ҳисоботни тайёрлаш бўйича таърифни

Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш (мҳхс ва илғор тажрибалар асосида) монография. Тошкент «Турон-Иқбол» нашриёти. 2018 йил. 161-184 бетлар.

Богачев, Е. Б. Проблемы функционирования финансовой системы региона [Электронный ресурс] / Е. Б. Богачев, Б. А. Чуб; под ред. В. В.Бандурина. -М.: Буквица, 1999. - Режим доступа:

http://for-investor.ru/fin_shema_regiona/4.shtml.

Инновационные подходы в современной науке

Пучкова, С. И. Консолидированная отчетность: учеб. пособие / С, И. Пучкова, В. Д. Новодворский; под ред, Н. П. Кодракова, - М.: ФБК-ПРЕСС, 1999.-224 с.

Матвеев, А. А. Консолидированная отчетность: методика и практика: учеб.-пракг. пособие / А. А. Матвеев, В. П. Суйц. - М.: ИД ФБК-ПРЕСС, 2001.-17 с.

Аниқлаштириш заруратига олибкелади. Бу таъриф замонавий шароитларда ҳисоботнинг мақсадини кўрсатиши зарур, бу эса шуни англатадики, ушбу ҳисобот асосида эришилган натижаларни таҳлил қилишдан ташқари, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг ривожланиши стиқболларини ҳам баҳолаш мумкин бўлишикерак.

## АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ:


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори.
2. https://lex.uz/docs/4746049.
3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига қандайўтилади? Kun.uz. https://kun.uz/27917857.
4. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. https://lex.uz/acts/2382411.
5. Барабанов, А. Международные стандарты финансовой отчетности [Электронный ресурс]: обзор / А. Барабанов // Корпоративный менеджмент. - 2003. - Режим доступа:
6. http://www.cfin.ru/ias/overview- .shtml/overview- 1 .shtml.
7. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг  назарий ва методологика сосларини такомиллаштириш (мҳҳс ва илғор тажрибалар асосида)  монография. Тошкент  «Турон-Иқбол» нашриёти. 2018 йил. 161-184 бетлар.
8. Богачев, Е. Б. Проблемы функционирования финансовой системы региона [Электронный ресурс] / Е. Б. Богачев, Б. А. Чуб; под ред. В. В.Бандурина. -М.: Буквица, 1999. - Режим доступа: http://for-investor.ru/fin_shema_regiona/4.shtml.


Российский университет Дружбы Народов
Инновационные подходы в современной науке